

МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг
28 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Мустақиллик – халқимиз эришган энг улуг, энг буюк нёъмат. Ота-боболаримиз озодлик йўлида не-не оғир синовларни, машаққатларни босиб ўтган, жон олиб жон берган.

1991 йил 1 сентябрда Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши халқимиз учун оламшумул тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик туфайли биз озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бастини бутун дунёга намойён қилмоқдамиз. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму-шжоати боис Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати олам узра ёйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол обод ва фаровон келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш учун бекиёс имкониятлар эшигини очди – нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Бугун халқимиз Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг янги тарихини яратмоқда. Ҳар жабада, ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро сийёси нуфузини ошириб, иқтисодийнинг юксалтиришда, халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳар йили Мустақиллик байрами тараққиёт йўлининг янги босқичига ҳамонам янги-янги марралар билан нишонланади. Бу йил бу марраларнинг қўлами янада кенг. Президентимиз қарорига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрамига кизган тайёргарлик қўрилди. Қўтулғ санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғояни ўзида мужассам этгани ҳар бир юртошимизнинг эзгуликка руҳлангирди. Барча шаҳар ва туманларда, кишлоқ ва овулларда энг улуг, энг азиз ушбу байрамни муносиб нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди.

31 август. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи. Парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юртошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тантанасига йиғилган.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев келиб қўллади. Давлатимиз раҳбари минбарга тақлиф этилди. Президентимиз халқимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этиб, эзгу ниятларини ихор қилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради. Йиғилганлар қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик қўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушига бетакор Ватан манзаралари, истиқлол тарихи лавҳаларида гавдаланди.

Мустақил Ўзбекистонимиз яна бир ёшга улғайди. Ушбу байрамни ҳар йили катта шоду хуррамлик билан кутиб оламиз. Мамлакатимиз сийёси ва иқтисодий модернизация йўлида катта ютуқларга эришаётгани, замонавий давлатга айланиши, халқчилик ислохотлар одамларда эртанги келажакка ишончини мустаҳкамлаётгани, эришган натижаларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан

Исон учун муқаддас саналувчи она, Ватан каби тушунчалар қаторида мактаб ва ўқитувчи деган сўзлар ҳам туради. Дунё иморатларининг энг улуги мактаб бўлса, касбларнинг энг улуги ўқитувчиликдир — бу теран маъноли иборанинг ҳақиқатига барчамиз бирдек ишонч ҳосил қилганмиз. Ўқитувчилар, шубҳасиз, энг мўътабар, фахрли, шу билан бирга, беҳад масъулиятли касб соҳибларидир. Ким бўлишдан қатъий назар — хоҳ олим, хоҳ санъаткор, хоҳ сийёсатчи, хоҳ ишчи бўлсин — ҳар бири ҳаёт дарсини ўқитувчининг таълим-тарбияси асосида олади. Муаллимлик касблар орасида энг шарафлисидир.

Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб 23 август куни ўтказилган видеоселекторда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бутун халқимизни беҳад қувонтирган шундай сўзларни айтдилар:

— Ўзбекистон шарафидога жамиятдаги энг ҳурматли инсон — муаллим!

Ўқитувчи, Устоз, Мураббий. Бу зотларга бўлган қайноқ меҳр ва эъзозни энг буюк исёсод эгалари ҳам айтиб адо қила олмайдилар. Бу маком соҳибларини халқимиз оталар билан бир сафга қўйиб улуглаган. Мирзо Улуғбекдан “Сиз нега сийёсатдан кўра илмга кўпроқ қизиқкансиз?” деб сўраганларида, ул зот шундай жавоб берган эканлар: “Мен илмнинг қудратини бобомдан билдим. Бир шахр бобомнинг тизасида ўтирдим эдим. Бағноғох ҳузур муборакка бир киши кирди. Бобом шовиб ўрнидан турди. Мен унинг тизасидан тушиб кетдим. Бобом бунга парво ҳам қилмасдан, ҳалғи одамни қарши олишга ошиқди. Кейин билсам, ўша киши бобомга бир пайтлар илм ўргатган устози экан. Олимлик мартабаси подпошадан ҳам улғурак эканини ўшанда билганман. Шунда кўнглимда олим бўлиш ҳаваси уйғонган эди...”

Тарихнинг энг суролиди даврларида ҳам ўқитувчилар алоҳида ҳурматда бўлган. Аллома Махмудхўжа Бехбудийнинг васиятида ҳам шу эътироф мужассам: “Маориф йўлида ишлайдургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Ўртадан нифокни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар!”

Ўқитувчи эъзозланган юрда хайр-барака бўлади, мамлакат гуллаб-яшнайдиган. Япония бош вазиридан мамлакатнинг технологик тараққиёти сири нимада эканини сўралганда, унинг жавоби қуйидагича бўлган: “Биз ўқитувчиларга вазириларнинг маошини, дипломатларнинг дахлсизлигини ва императорнинг ҳурматини бердик”.

дан намуна сифатида кенг эътироф этилаётгани қувончимизни бир неча қарра оширади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосидаги “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясига мувофиқ тарзда барча соҳалар янгиламоқда, деб алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сийёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ислох этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон ўз орзу-интилишларини рўйбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Президент имзолаган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўқитган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони давлатимиз юридаётган гуманистик сийёсатининг амалий тасдиғи бўлди. Фармонга мувофиқ содир этган жинояти учун жазо мудлатини ўқитган ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган фуқаролар афв этилди. Бу байрам кунлари қўллаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Мамлакатимизда 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинди. Жорий йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш бўйича марралар қўйилган. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт барқарорлигини оширади, янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига етакчи соҳаларни ривожлантиришни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиста Мурожаатномасида жорий йилдаги вазифаларнинг асосий йўналишларига тўхталиб, фаол инвестиция сийёсати изчил давом этирилишини таъкидлади. Чунки инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш реал даромадларни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажминини ўстириш, пировардида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кенг йўл очди. Қўрилаётган ана шундай тизимли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,8 фоиз ўсди. Қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor’s” агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. “Барқарор” прогнозига эга бўлган бу рейтинг баҳолари Ўзбекистон эгаллаган логона кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини кўрсатади.

Таассуфки, мактаб ва маориф иши, ўқитувчилик касби ва макомига эътиборсиз, ҳатто номуносиб ёндошилган даврлар ҳам бўлди. Ўқитувчининг мактабда эмас, қурилиш майдонида, пахта далаида, ободонлаштириш хашарларида кўпроқ кўрганамиз сир эмас. Муаллим ўз дарси устида эмас, балки темир-тераск тўплаш, обуна, “комиссия куттиш”, саноксиз ҳисоботлар тўдириш, болалар спортни ҳамгармасига мажбурий тўлов ҳақида кўпроқ бош қотиргани ҳам рост.

ЭНГ ҲУРМАТЛИ ИНСОН — МУАЛЛИМ



Ана шуларни эслар эканмиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу фикрлари нафақат ўқитувчилар, балки бутун халқимиз қалбига маълумдек таъсир этганини ҳис қиламиз:

“Ҳурматли муаллимларимиз, жонқуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртининг таянчи ва суянчи, деб биламиз. Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан

Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, кишлоқларни обод қилиш изчил давом этмоқда. “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари энг чекка ҳудудларга ҳам янгилаш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларда янада яхши яшашга иштиёқ, кишлоқда турмуш маданияти ошди.

Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат сийёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир туманда хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил этилмоқда, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва жисмонан чинқишига шароит, маънавиятини бойитишга имконият яратилмоқда.

Бу жиҳатлар — хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳаётдан манунлиги ошиб бораётгани байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида ҳам яққол намойён бўлди.

Ўзбекистоннинг очиклик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташки сийёсати ҳамкорларимиз сафини кенгайтирмоқда. Ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган банк ва компаниялар биз билан ҳамкорликка интиломоқда. Ўзбекистоннинг ташки сийёсатига янги чекка ёндашувлари Марказий Осиёда сийёсий вазиятни соғломлаштирди.

Энг муҳими, мустақиллик туфайли қўлга киритилган бундай ютуқ ва натижалар моҳияти ҳар бир юртошимизнинг қалби ва онига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва қайфиятини кўтармоқда, янги, янада юксак марраларга илҳомлантирмоқда. Истиклолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган бекиёс ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадрли эканини яна бир қарра намойён қилмоқда, энг улуг, энг азиз байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Истиқлол йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, конфессияларо ва миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу қасдларнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашиб, ҳаётимиз қондасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бахш этди.

Байрам тантанасида истиқлолни, озод ва ҳур Ватанимиз тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Болаларнинг шўх чиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардонавор овози дилларга кўчди. Жаҳон мумтоз мусикаси намуналари бир олам завқ бағишлади.

Янграган куй-қўшиқлар диллардан дилларга кўчди, олис-олисларга таралади ва акс-садо берди — ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, кишлоқ ва овул истиқлолни нишонлади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шўхли байрам тантаналари, халқ сайиллари давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ

буён ҳам маблагни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири муҳтарам муаллимларга боғлиқ.

Мактаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак.

Мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасак, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмасак, ислохот, натижа ҳақида гапира олмаймиз.

Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўлин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур”

Давлат раҳбарига кўра, мамлакатда ўтган 3 йилда 157 та умумтаълим мактаби янгидан

барпо этилди. Ўқувчилар сони 5 822 000, ўқитувчилар эса 443 000 нафарни ташкил этмоқда. Шундан 70 фоиз аёллар. Сўнгги йилларда 13 000 нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди.

Президент қай эътибор, “Мактаб ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Бу — аксиома. Буни инкор қилиб бўлмайди”.

Ушбу муҳим ҳулоса аллома Махмудхўжа Бехбудий сўзларининг мантқиқий давоми ўлароқ беҳад қадрлидир: “Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари билан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққий ривожига ижтисод қилурлар”.

“Буюк аждодаларимиз ўзларининг илмий ва ижодий қасдиётлари билан дунёга устозлик қилишган, — деди Президент. — Бошқаларга эргашмаган, балки бошқаларни ўз ортидан эргаштирган. Биз ҳам эргашувчи эмас, эргашти-

СЕН — ОНАМСАН, ОНАЖОНИМСАН

Қасида

ИФТИХОР

Ўзбекистон, борим ўзинг,
шавкату шоним мейинг,
Номусим-орим ўзинг, сен
буюк кўргоним менинг,
Бободехқоним ўзинг, сен
ғалла ҳам доним менинг,
Томирда қоним ўзинг, сен
иймон, виждоним менинг,
Дунёга айтар сўзим сен,
бўлмасанг қимман ўзим.
Офтобим Ўзбекистон,
Ўзбекистон отажон,
Жонажоним Ўзбекистон,
Мангу бор бўлгин омон!

Ярқирайди оппоқ тоғлар,
янги ҳуш даврон бугун,
Қадди бастинг, шаштинг қўриб
олам ҳам хайрон бугун,
Маърифат уммони қўшаб
жаҳолат вайрон бугун,
Тунлар ҳам қондек чарогон,
тодлик юксак шон бугун,
Чакнагай тинчлик туфайли,
ҳар нигоҳ, мужгон бугун.
Моҳитобим Ўзбекистон,
Ўзбекистон онажон,
Жонажоним Ўзбекистон,
Мангу бор бўлгин омон!

Ватан десанг жисму жонинг
кетса жимир-жимирлаб,
Тонгда томчи шабнам исминг
айтаверса шивирлаб,
Етмиш икки томиримда
ишқим оқар шувирлаб,
Халқи учун борин берган
ажодларим ўтган али,
Юрак фақат шу замин дер,
шу дийр дер бугун қалб,
Офтобим Ўзбекистон,
Ўзбекистон отажон,
Жонажоним Ўзбекистон,
Мангу бор бўлгин омон!

Дилбандларинг қулусида
бахт иси, шодлик иси,
Ҳаётнинг гул-чечаклари —
истиқлол ўғил-қизи,
Улуг-улуг дарёлардан
қувват олмиш илдиш,
Истиқбол порлоқ элнинг
порлақ кўкда юлдузи,
Улар ҳар дам хизматингга
кўкрак қериб келгуси,
Моҳитобим Ўзбекистон,
Ўзбекистон онажон,
Жонажоним Ўзбекистон,
Мангу бор бўлгин омон!

Ҳар ғиёҳнинг, ҳар майсангдан
умрлик дарс олганман,
Аждодларнинг армонидан
юрракка дарс солганман,
Ойлар сугзан сойларингдан
илҳомни қарз олганман,
Тупроғининг тафтиларидан
дига ҳавас олганман,
Туғилгандан исминг айтиб
илк бор нафас олганман,

Жўрабек ЖАҲОН

рувчи кучга эга халқ бўлишимиз шарт. Акс ҳолда, тараққиёт йўлидан чеккага чиқиб, яна таназзул ботқоғига ботамиз. Ота-боболаримиз эришган марраларни осонгина бой бериб қўямиз. Бу аждодлар руҳига, келажак авлодла-


олимлар, буюк аждодларимизнинг ҳаёти бутун дунё ахлига ўрнақдир.

Юртбошимизнинг турли жабага мутасаддилари ҳам энди мактабларда ўз соҳаси бўйича дарс бериши, барча ҳокимлар мактабларга ҳафтаида камиди уч марта бориб, ҳатто ўзи дарс бериши тўғрисидаги тақлифлари замирида ҳам, аввало, ўқитувчи касби ва шахсини улуглашдек хайрли муддао ётади.

Бу ташаббус ҳозирданок юртимизда кенг қулоқ ёя бошлади. Қуни кеча Сирдарё вилояти ҳокими Гофуржон Мирзаев томонидан “Энг яхши мактаб”, “Энг яхши мактаб директори”, “Энг яхши фан ўқитувчиси” танловлари, унинг ғолиблари эса энгил автомашина билан тақдирланиши эълон қилинди. Қашқадарё вилоятида “ҳоким қовни” мактабларини шахсан кўздан кечири бошлагани ҳақида хабарлар бор. Маърифатпарварлик халқимизнинг қониди бор-да!

Айниқса, кеча ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган хабар юртдошларимизни жуда тўқинлантириб юборди: номи бутун республикамизга машҳур Қорақўл академик лицейининг ўқитувчиси Ҳазрат Райимовнинг 65 нафар сойиб ўқувчилари ўзаро пул йиғиб, устозига янги Nexia машинасини совға қилишди! Бу масканни битирган ўқувчилар ва у ердаги ўқитувчиларнинг даражаси қанчалик юқори эканлиги яна бир бор эътироф этилди. Ана шундай устозлар кўпаяверсин, уларнинг меҳнатлари бундан-да ортиғига муносиб.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси аъзоси

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоириМЕХРУ МУХАББАТДА
ПҲЛИҚАДИ ДИЛБойсун билан
таништириш

Бу даштларда бўзлаб-бўзлаб Барчин кезган,
Алпомишнинг тирикчилиги шу дашт сезган.

Вуждларин қирмиз ранга қотган қирлар —
Ёдгорнинг қон ноласидан кўчган сирлар.

Бу дарада мудом дoston униб турар,
Бойчиборнинг кишнашига тўлиб турар.

Хўв, тоғдан бок — шарқлар, ғарблар кўринади,
Чоҳда ётган барча алплар кўринади.

Ана, тошлар!.. Бари тирик оламлардир,
Бу дунёга сабр айлаган одамлардир.

Бу кумлар ҳам сойлардаги сочкин доллар,
Дунё билан баҳс айлаган улуг зотлар.

Бойсунда тоғаним
қадимги кўшиқ

Токка боккин, хўв, чўққиди кўк арча,
Учларига булут кўнган — бир парча.

Шу тоғларга арча бўлиб кетсам, ёр,
Пешонамга булут бўлиб кўн бир бор.

Бошимга қўмасанг ёзининг авжинда,
Қуриб адо бўлажакман хажрингда.

Қаҳратон етганда, уни кесиб ол,
Олов ёк-да, мени эслаб, исиб ол.

Шарият

Менинг ҳаётимда оқар айқашиб
Бутунги ташвишлар — забтлару зарблар,
Сочлари оқарган қадимги дардлар.
Мухимдир бу холини руҳининг пайкаши —
Сатримда эврилиб рўй берган кайдлар.

Дунёга синчиклаб разм соламан:
Нима чин, не ёлгон биламан аён;
Мени алдолмайди бирор-бир даврон —
Барча замонларда чексиз ёнаман.
Барча замонларда адоман тамом.

Тескари оқаман барча дарёга —
Мени қутқазолмас бирор-бир соҳил —
“Йўқ” дейман кўлини чўзган рўёга.
Бош эгма! Мавжларнинг зарбига, о, дил!

Негадир керакман барча дунёга.
Фитонимдан эса... кўнгишлар ҳосил.

* * *

Майсанинг бошига эгиламан жим —
Мехру муҳаббатда тўлиқди дил.
Нима демокчиман? Билмайман ўзим.
Фақат такрорлайман:

— Сингилжон, сингил!..

Дарахнинг қошида қотаман зиёт —
Сўз топишни арағ этаман удда.
— Мевангу баргингда лиммо-лим ҳаёт —
Бунчалар мукамал бўлмасанг, ука.

Менга ҳавас билан қарайди мардум —
Ахир, ишим — ўктам, сўзим — мунаввар.
Дунё хафа қилса, майсага айтгум,
Дарахтга суянгум йиқилсам магар.

Энди тушунтирай илҳомнинг илмин:
Рухга ривож бермок йўли-да! Осон!
Масалан, майсани эгачи билинг,
Дарахтни — биродар...

Олам — гулистон!

Фалакка мактуб

Само, фикратларинг кўнглимга кўнди.
Миям қатларини тўлдирди юрак.
Магарким, заминда яшашига кўндим,
Магарким, зах залвор жисимига тўлди —
Барибир йўқлайсан, мехрибон фалак.

Рухимга парвозлар этасан зоҳир...
Аммо менга аён бу ҳол матраби:
Мехрибоним, мандан олма хавотир.
Ерда яшашман осмондай, ахир —
Фалакнинг бир парча юраги каби.

Бағши бўлолмаганим
армони

Деворда дўмбира осик турибди,
Ичига куй йигиб — босик турибди.

Сўз мавжи жимирлар бармоқларимда.
Хириллаб куй етар томоқларимга.

Мен асли тоғ-даштин — шашт ила! — бекам
Хай-хайлаб, бир сўзда айтгучи одам —

От суриб, илҳомга етгучидирман,
Тупрокка сўз сочиб кетгучидирман.

Аммо шеър тушмоқда қоғозга... Босик
Дўмбира доргами, деворга осик.

Тори эса титрар кўнглимда, ё раб...
Бу армон бўзлагай сўнгимда, ё раб!

Дўмбира нолагарини
англаш

Бу нола — дунёнинг охири,
Бу нола — дунёнинг бошидир,
Бу нола — бахтнинг энг огири,
Бу нола — уйсизнинг ёмғири —
Томчиси тақдирнинг тошидир.

Бу нола — “Ё, ҳақ!” деб кечган жанг,
Бу нола — бобомнинг лошидир.
Бу нола — ҳасратдан кўчган ранг,
Бу нола — ватанда беватан
Барчининг ноилж ёшидир.

Бу нола — баҳорнинг келуви,
Бу нола — кузакнинг етуви,
Бу нола — умрининг ўтуви,
Бу нола — дард ичра бўралиш,
Бу нола — қайтадан яралиш,
Бу нола — паймона тўлуви,
Бу нола — жасаднинг ўлуви —
Рух ичра дунёга таралиш.

Бу нола кўнглини тузатар,
Бу нола ҳақ жомин узатар —
Минг қават осмонга етаман,
Мингиди минг онда ўтаман...

Хайр энди!.. Жўралар кузатар.
Товушим титраниб не дедим?

Келувда биргина кас эдим,
Ортимга бир халқдай кетаман...

* * *

Эсингдами
мени соғинаман дамлиринг,
ҳеч қачон учрашмаганимиз эсингдами?

Эсингдами
биз кезмаган соҳиллар,
сайр этмаганимиз боғлар эсингдами?

Эсингдами
бизсиз хувуллаган кўчалар,
бирга яшамаган уйимиз эсингдами?

Эсингдами
мени тополмай йиғлаганинг,
эшитмаганинг исим эсингдами?

Эсингдами
ёлғиз-ёлғиз юрганимиз,
бахтли бўлмаганимиз эсингдами?

Эсингдами
сенга ёзмаган хатларим,
хатларимнинг ҳар бир сўзи эсингдами?

Мен эса
сени эслаганим-эслаган —
бирга кечирмаган
умримизнинг
ҳар бир лаҳзаси
ёдимдадир.

* * *

Бир тоғ кўрдим,
қум заррасидан ҳам
кичкина.

Эҳтиёт бўл ундан.
Ҳали у ўсади.
Чўққилари
осмонни тешиб ўтади ҳали.

Эҳтиёт бўл.
Ким билади —
Оқтоғ бўладими,
Қора тоғ...

* * *

Боғларда куз. Бунча ҳасрат!
Жим дод солар ҳазонрез.
Мен ҳам ўқриб йиғлайинми? —
Сабрим тугади бу кез.

Ўртаб борар ҳазонликнинг
Шивирю фйони.
Бу фаслнинг мунғрайиши —
Навойнинг девони.

Тўлғонаман. Бу азоб туш —
Беҳуш фарёд — ўнги йўқ.
Ҳазонрез ва Навойнинг
Сўнги йўқдир, сўнги йўқ...

Абдулла АВЛОНИЙ

ВАТАННИ СУЙМАК

Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўсган шаҳар
ва мамлакатини шу кишининг ватани дейдилар.
Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортик суяр.
Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор.
Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса,
ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, майшати талх
бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватани-
нинг муҳаббати турар.

Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиз-
дан ортик суйдигимиз каби, араблар арабистонла-
рини, қумлик, иссиқ чўллари, эскимулар шимол
тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини
бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди,
ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин
ташлаб хижрат қилурлар эди.

Бободаримиз “Киши юртида султон бўлгучи, ўз
юртинга чўпон бўл”, — демишлар.

Мен айбик эмас, эй ватаним, тоғларим,
Бевақт ташлаб кетдим, оё, боғларим.

Хижрон килдур мени жузали,
Дўнди ғамга рўз-у шаб-у чоғларим.

Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний ери-
миз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовиларини со-
ғиб хижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз
ватанларига қайтув келурлар. Бунинг сабаби, яхши
буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг,
тупроқларининг меҳру-у муҳаббатидур. Расули ақрам
набийни мухтарам саллоллоху алайҳи васаллам
афандимиз: “Хуббул — ватани минал имони — ватани
суймак имондандур”, — демишлар.

Ватан, ватан деи жоним танимдан ўлса равон,
Бағна на ғам, қолур авлодима уй-у ватаним.
Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳми,
Чароки ўз ватаним ҳокидур гўр-у қафаним.
Туғуб ўсан ерим ушбу ватан вужудим ҳок,
Ўлурса аслина роҳе бўлурми ман ғамнок?


ХИФЗИ ЛИСОН

Хифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тил ва
адабиётини сақлаганини айтилур. Ҳар бир миллат-
нинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти
тил ва адабиётидур. Миллий тили йўқотмак мил-
латнинг руҳини йўқотмақдур. Хайҳот! Биз тур-
кистонлилар миллий тилини сақламак бир тарафда
турсу қундан-қун унутмак ва йўқотмақдуримиз.
Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани кам-
лик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурма-
қадуримиз. Дуруст, бизларга ҳукуматимиз бўлгон рус
лисони билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон
каби кераклик нарсалар. Лекин ўз еринда ишлатмак

Худойберди ТЎХТАБОВЕ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
“Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби



БУТУН ХАЛҚ УЙҒОНДИ!



Мустақиллик байрами биргина шоир, ёзувчи ёки
адабиётшуноснинг байрами эмас, бутун жамят,
миллатнинг қутлуғ айёми. Ўтган йилгирма саккиз йил
давомида ўзимизни, ўзгичимизни билдик, дунёдаги,
тарихдаги ўрнимизни аста-секин англай бошладик.
Ўз она тилимизда фикримизни очик-ошқора айтиди-
ган бўлдик.

Мен узок йиллар наشريётда, журналда раҳбар
бўлиб ишлаганман, ўша даврда бирон янгилик қил-
моқчи бўлсам, Москвадан руҳсат сўрадик, илмий
тадиқот қилган олимларимиз ҳужжатининг тасдиқи
ҳам ўша томонлардан келарди. Тарихимизни унутиб
юборай дегандик, ўз бободаримиз ҳақида гапирши
учун бегонадан фикр сўрадик. Ўша қуларини уну-
тиб бўлмадик.

Ўтган йиллар давомида миллат миллат бўлди,
қадимизни қайта тиклай олдик. Президентимиз
улуг ниятлар, янги куч, шиддат билан иш бошлади-
лар. Ҳамма уйғонди.

ва сўзламак лозимдур.
Зигир ёғи солуб мош-
кичири каби қилуб,
аралаш-қуралаш қил-
мак тилининг руҳини
бузладур.

«Еху! Бизга на
бўлди? Бободари-
миз йўлидан чиқиб
кетдур. Яхши кўш-
нингдан олгучи ёмон
уйингни қидир», —
демишлар. Бободари-
мизга етушгон ва
яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик
қилмас. Ўз уйимизни қидирсам ва ахтарсам йўқол-
ганларини ҳам топаримиз. «Йўқолса йўқолсун, ўзи
бошимга тор эди», — деб Европо калпоғини қиуб,
қулги бўлмак зўр айб ва уятдур. Пайғамбаримиз:
«Эрларда жамол лисон ва тилдур», — демишлар.

Эй она тил, азиз қадрим,
Илтифоти руҳим, Раҳмоним.
Тугдигим қундан айладинг уфат,
Ўлгучи айрилма, эй жоним.
Менга илму адаб сан ўргатдинг,
Чин адиб, муаллим, шоним.
Миллатнинг руҳини кўтаргучисан,
Эй муқаддас қарамли султоним.

Умумий миллий тилини сақламак ила баро-
бар ҳусусий оғиз орасидаги тилини ҳам сақламак
лозимдур. Чунки сўз инсоннинг даража ва камо-
лини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадиган таро-
зусидур. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр
ва ниятини, илм ва қувватини, кадр ва қийматини
сўзлаган сўздан билдурлар. «Қуруқ сўз қулқоға ёк-
мас», — демишлар.

Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, ўзи-
га ёки эшитувчига бир фойда чиқадиган бўлмаса,
асарларини орасида гўнгуллаб юрган қовоқари каби
қуруқ гўнгулламоқ фақат бош оғригидан бошқа бир
нарсас эмасдур.

Бошимизга келадиган қаттиғ қулфларнинг
қўли юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун:
«Қўп ўйла, оз сўйла», — демишлар.

Тилларнинг энг яхшиси сўзга уста тил, сўзлар-
нинг энг яхшиси билуб, охирини ўйлаб сўйланган
сўздур.

Ўзгаллик юзда эмас, эй биродар,
Сўзи ширин қили ҳар қимга ёқар.
Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсун,
Эшитқавлар қулғи дурга тўлсун.
Сўзинг бўлса қумуш, жим турмак олтин,
Мис қиқгай сўзинг қўп бўлса бир кун.
Кўпайган сўзнинг бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг қўпидан ози бўлур озо.

("Туркий Ўзбекистон ёху ахлоқ" рисоласидан)

Дилором ДИЛХОХ



УФҚ РАНИ

Етимликда ўсиб ўзи расом бўлол-
маган ота эндигина расм чиза бошла-
ган кизини қир бошига чақирди.

— Қизим, бўёқларинг билан расм
дафтарингни бу ёкка олиб чиқ. Уфқка
кара, қандай чироили қуёш ботаяпти!
Агар ҳозир шу бўёқларни қориштириб
уфқ рангини тополсанг, чиндан ҳам
расом бўла оласан.

Қизалоқ бир отасига, бир алвонранг
уфқка қараб рангларни қориштириб,
қозони бўйи бошлади.

Кўп ўтмай кўк, қизил рангларга са-
рик рангини аралаштираётган қиз ке-
йинги гал сарик рангга қўл чўза туриб
иккиланиб қолди. Чунки бу ранг сарик
эмас, захил ва бўзарган қизғиш тусда
эди.

Қизалоқ баттар асабийлашиб, яна
рангларни рангларга қориштира бош-
лади. Қуёш бутунлай уфқ ортига бо-
тиб кетганида уфқни қора ранг чулғай
бошлади.

Қизалоқ йиғлаб туриб қора бўёққа
қўл чўзган эди, отаси уни тўхтатди.

— Қўявер, энди у рангини тополмай-

КАТРАЛАР

сан. Сенга айтмоқчи бўлганим: вақти-
да топган рангларингни вақтида чи-
зиш керак экан. Асли сендан орзулар
рангини кутгандим, ҳали улгурасан.
Эртага тонг отади, — дея ота чуқур
хўрсинди.

ЧАВАНДОЗ

Остонадан миҳларини сугуриб
чопган от тугёидаги наҳалнинг то-
вуши шу кеча юракни ларзага солди.
Йил оғир келиб, чавандоз отини ғал-
лага олишди.

Эрталабки нонуштада кўзи деворга
осиб қўйилган қамчиға тушиб, тиш-
лари зириллади.

Эшикдан танкчилар бош кийими-
ни кийиб қирган ўғлига пиёласидаги

совиб улгурмаган чойни қандай сепиб
юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Нима қилдингиз! Шўрм қуриди,
болани қовурмоч қилдингиз-ку! — де-
ган хотинининг овози ҳам унга бир де-
вор ортидан эшитилди. Чавандоз осто-
на хатлади.

Кўчага чиққанида рўпарасидан
келатган қўшин йигит полвонга са-
лом-алиққа қўл узатиб, бўларди бўлди.

— Н-нима қиласиз, ака! Вой қўлим!
Сизга нима қилдим?!

— Айланаб ўтгин эди бўлмаса! Неге
йўлимдан чиқасан!

— Б-бўлди. Мана, кет-яп-ман. Ҳа-а,
халиги... кетяпман, ака!

Чавандоз чойхонага қириб боргани-
да шахмат доналарини териб ўтирган
улфатлар бир-бирларини оғохланти-
ришди:

— Хуллас, ана, чавандоз келди! Юр-
санг ҳам, ютқасанг ҳам бирортан “от”-
ни от дея қўрма. Феълени биласанлар-а!

ҚУТЛАЙМИЗ!

Таникли шоир ва таржимон, Ўзбекистон
ёзувчиси уюшмасининг Халқоралоқлар
ва бадиий таржима бўлими бошлиғи Рустам
Мусурмон Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорги Кенгеси Президиумининг қарори-
га билан “Қорақалпоғистон Республикаси халқ
шоири” унвони билан тақдирланди. Шу муно-
сабат билан биз ижодкорни қўп соғли адаби-
ёт мухлислари номидан табриқлаймиз. Келгуси
ижодига зафарлар тайлаймиз.

Рустам Мусурмоннинг “Рухимнинг тову-
ши”, “Хиргойи” шеърини тўпламлари, “Рух
насибаси” достони, “Муқанна” кассаси адабиёт
ихлосмандларига яхши таниш.
У қорақалпоқ халқининг ардоқли фарзандлари Ажинеъ, Бердақ шеърлари-
ни, Ибройим Юсуповнинг танланган асарларини, Ўразбой Абдурахмоновнинг
“Оролим — дардим менин” роман-эссесини, Кенгесбой Каримовнинг “Огабий”
романини, Муратбой Нисановнинг “Хаво кемасидаги иқовлон” кассасини,
Бахтиёр Генжамуроднинг “Укуздарё битиклари” шеърлар ва дostonлар тўпла-
мини, “Мадҳон сўзи ёху Чин ипагиди битик”, “Қорақалпоқ” дostonларини,
Алланазар Абдиевнинг хикояларини ўзбек тилига маҳорат билан ўтирган.



“РЕГИСТОНДА”ДА СЎНМАС ЛАҲЗАЛАР

Кўҳна ва навиқон Самарқанд шаҳри осмонини турли миллатларнинг куй-қўшиқларига тўлдирган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали 30 август кuni нихоясига етди. Қарийб бир ҳафта давомида қадим Регистон узра анжуман қатнашчиларининг турли тиллардаги дилторлар қўшиқлари янграб турди. Шунингдек, Самарқанднинг шаҳар ва туманларида фестивал меҳмонлари билан бўлиб ўтган учрашуларда санъаткорлар томонидан намойиш этилган концерт дастурлари тилларнинг тилларга, дилларнинг дилларга боғланишига хизмат қилди.



ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним билан бирга, халқаро анжуман ишида турли мамлакатлардан таширф буюрган давлат арбоблари, халқаро ташкилотларнинг ҳамда юртимиздаги элчионаларнинг вакиллари, маҳаллий ва жаҳон оммавий ахборот воситалари ходимлари ушбу фестивал халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, одамлар орасида меҳр-оқибат ришталарини беминнат боғлашга гувоҳ бўлдилар. Ҳар бир тадбирда, ҳар қадамда ўзаро ҳурмат сезилиб турди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев бу йилги фестивалда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хонимнинг иштироклари анжуманга алоҳида фойз ва кўтаринки руҳ бағишлаганини таъкидлади. “Бу фестивалнинг замирида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фестивал очилиш маросимидаги табригида “Ҳар қандай мукамал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак ноаларини, жонли овоз жозибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон

босолмайди”, деган сўзлари ўз ифодасини топганини кўрдик”, деди вазири.

Дарҳақиқат, фестивал кўплаб машҳур хонанда-созандаларни, ноёб ёш истеъоддорларни кашф этди. Анжуманининг ёпилиш маросими шундай иштирокчиларнинг номини дунё узра машҳур қилди. Давтлаб “Энг яхши либос ва мусиқа уйғунлиги”, “Меҳр-оқибатни тараннум этгани учун”, “Шарқ халқлари мусиқа жонкуяри”, “Анъаналарга содиқ жамоа”, “Қадриятлар давомчиси” каби йўналишларнинг ғолиблари тақдирланди. Уларга диплом, 500 АҚШ долларидан пул мукофоти ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғолиблар каторини учинчи ўрин соҳиблари — “Бадахшон” (Тожикистон), “Айархан” (Россия) жамоалари ҳамда Ўзбекистонлик Азизжон Абдуазимов ва Улуғбек Элмуродзода бошлаб беришди. Уларга учинчи даражали диплом, 2,5 минг АҚШ долларидан пул мукофоти ва совғалар берилди.

Иккинчи ўрин Туркменистоннинг “Арчабил” ва Мўғулистоннинг “Хатан” жамоаларига насиб этди. Уларга 3,5 минг АҚШ долларидан пул мукофоти, диплом ва совғалар топширилди.

Қирғизистоннинг “Қомузчилар” дуэти ва Озарбайжондан келган Парвиз Гасимов биринчи ўринга муносиб топилиб, ҳар бирига беш минг АҚШ долларидан пул мукофоти, диплом ва совғалар тақдим этилди.

Фестивалнинг бош соврини — Гран-при мукофоти Ўзбекистон вакили Меҳринигор Абдурашидовага берилгани эълон қилинганда Регистонда олқишлар янгради. Ҳа, бу йилги асосий мукофот — 10 000 АҚШ доллари миқдоридagi пул ва диплом ёш истеъод эгаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабасига насиб этди.

Маросим Ўзбекистонлик санъат усталари ва ёш ижрочилар ҳамда ғолиблар иштирокидаги концерт билан нихоясига етди.

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг иштирокчилари 2021 йили Самарқандда яна учрашиш орсусида хайрлашдилар.

Меҳринигор АБДУРАШИДОВА
(Ўзбекистон), Гран-при соҳиб:

— Мусиқа — менинг ҳаётим. Аввало, ана шу ҳаётимни янада нурафшон қилишга ёрдам берган ўқитувчиларимдан, устозларимдан миннатдорман. Регистон сахнасига етиб келишимда асосий роль ўйнаган ота-онамга минг раҳмат. Бизнинг мусикий меросимиз нихоятда бой ва маънодор. Биз ана шу бойликдан тўғри ва унумли фойдаланиб, ҳаёт йўлимизни янада гўзал қилишга интилишимиз лозим. Муҳими, биз ёшларни халқимиз, шахсан Президентимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибдилар. Бундай оталарча муносабатдан бошимиз осмонда.

Халқимиз учун кутлуг кун — Мустақиллигимиз арафасида юксак мукофотни қўлга киритиб, байрамга тухфа қилганимдан бахтиёрман. Барча юртдошларимизни, тенгдошларимни байрам билан табриклайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб, фестиваллар кўпаяверсин. “Мусикасиз қалб — бўшиқдир, санъат ва ҳаёт ажралмас неъмат” деган сўзлар ёшларнинг шиорига айлانسин.

Эламан ва Ойбек КАНУБЕКОВлар
(Қирғизистон), биринчи ўрин:

— Аввало, шунга айтиш керакки, биз бундай юкори ўринга муносиб қўрилганимиздан нихоятда хурсандмиз. Халқаро анжуманларда кўплаб мукофотларни қўлга киритганимиз. Лекин халқаро ҳакамлар ҳайъатининг ижодимизга юксак баҳо беришини, очиги, кутмагандик. Нихоятда юксак савиядаги фестивал бўлди. Бу ерда деярли барча минтақалардан келган танкил хонандалар, мусикачилар ижодидан баҳраманд бўлиш биз каби ёшлар учун катта мактаб. Нафақат катта ёшлар, балки Эстония, АҚШ, Латвия, Ўзбекистондан катнашган ёшлардан ҳам кўп нарса ўрганиш мумкин. Уларнинг фестивал мукофотларига сазовор бўлганларни шундан далолат беради. Биз ўз устимизда яна ҳам кўпроқ ишлашимиз, тажриба орттиришимиз кераклигини англадик. Ўзбек заминига, камтарин меҳнатимизга юксак баҳо берган ҳайъат аъзоларига миннатдорлик билдирамиз.

“АЙАРХАН”
ансамбли, (Россия) учинчи ўрин:

— Шарқ ва Ғарб халқлари маданияти минг йиллардан буён Самарқанд сарҳадларида кесишиб келади. Лекин биз Ўзбекистонлик санъаткорларни сахнада илк бор кўрдик. Бу тадбирда катнашиш бизга Оллоҳнинг инъоми бўлди. “Шарқ тароналари”дек улкан тарихий воқеликнинг айнан шу заминда кечаётгани нихоятда катта аҳамиятга эга. Чунки бу заминда дунё халқларининг мусикий анъаналари туташмоқда. Бизнинг уйғунлашаётганимиз ҳамма нарсда, айниқса, мусиқа ва қўшиқда яққол сезилиб турибди. Бу гўзал шаҳар барчамизни оталарча бағрига олди. Фестивалга мукофот учун эмас, бизнинг халқ қўшиқларимиз, оҳангларимизга муносабат қандай бўлишини билиш учун келгандик. Тақдирлаш вақтидаги олқишлардан кўзаларимизда ёш калқди. Ҳаммаси учун раҳмат. Барча мусикачиларни, айниқса, Ўзбекистонликларни Ёқутистонда кутиб қоламиз.

Афзал РАФИҚОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиб

ТЕАТР – ИЖОДИЙ ЖАМОА МЕҲНАТИ

Давлат томонидан берилган мукофот ҳар қандай одамнинг меҳнати эътирофидир. Шу маънода сахнада қилаётган ижодий меҳнатим юксак мукофотга лойиқ қўрилганидан фахрланам. Қалбимни гурур хислари чулғаб олди. Лекин шу билан бирга халқ ишончи, Президент эътибори мукофот эгасига янада кучлироқ масъулият юклаши турган гап. Зеро, энди сен шу кунгача бекор юрмаганини, ҳамон халққа хизмат қилишга тайёр эканингни ҳар кун ибобтлашинг керак. Ишлаганда ҳам янада самарали, унумли меҳнат қилиш лозим.

Шу билан бирга, театр бу ижодий жамоа иши. Оддий айтганда, спектакль вақтида атрофнинг сахнадошларингиз ҳеч кимсан. Агар асосий роллардан бирини ижро этсан, менинг ажралиб туришим учун атрофдаги актёрлар ҳам кам меҳнат қилмайди. Демак, менинг тақдирланишимда ҳамкасбларимнинг ҳам хиссаси бор. Шу сабабли улардан миннатдорман. Айниқса, мукофотлар матбуотда эълон қилинган кун театрда келишим биланок бутун жамоа гуллар билан кутиб олиб кутлаганида



тўлқинланиб кетдим. Академик рус драма театрига 2014 йили ишга ўтганман. Қисқа муддатда, ҳамкасбларимнинг таъбири билан айтганда, шу театрнинг юрагига айланган эканман, улардан фақат миннатдор бўлишим, самимий муносабатларига муносиб жавоб қайтаришим лозим, деб ўйлайман. Бундан буён ҳам яхши-яхши роллар билан мухлисларни хурсанд қилиб, жамоанинг менга бўлган ишончини оқлашни бурчим, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча театр мухлисларини ва ҳамкасбларимни улуғ байрам билан кутлайман.

Абдуҳошим ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиб

ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — БАХТ



Мукофот ҳақидаги хабарни Кўконда эшитдим. Бу ерга халқаро хунармандлар фестивалига тайёргарлик ишларини кўздан кечириш учун Самарқанддан келгандим. Телефонда эшитган заҳоти, шундай мукофотни менга лозим кўрган Юртбошимиздан миннатдор бўлиб, ота-онамнинг ҳаққига дуо қилдим. Кўз олдимда шашмақомчи, қўлимга гижжақ тутказган бувам, уста Жума Расулўжа ва онам Фахринисо ая, отамнинг, маком ансамблида бирга ишлаган акам Шарофиддин Исмоиловнинг сиймолари намён бўлди. Албатта, бугунгача эришган барча ютуқларимда Юнус

Ражабий, Турғун Алиматов, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова каби устозларимнинг хиссалари катта.

Санъатни севган одам уни чуқурроқ ўрганиш, ўзидаги истеъодни янада такомиллаштириш йўлида изланишдан бошқа нарсани ўйламайди. Юрган-турганимда ҳам, ҳаёлимда ҳам фақат куй-оҳанг кезади. Соз чалган, бирор куй ижод қилган пайтим ҳаёлим оҳангга бўлади. Энг гўзал дақиқаларим, умримга татийдиган лаҳзалар менга эътироф келтираётганидан кўнглим ёришади.

Айниқса, неча йиллардан буён ёнма-ён ижод қилиб келаятган танкил режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг “Буюк хизматлари учун” орденига муносиб қўрилганидан бошим осмонга етди. Бу одам ҳақиқатан буюк санъаткор, ўзбекининг фахри. Мумтоз адабимизнинг, мумтоз мусиқамизни чуқур билади. Нихоятда илм баланд инсон.

Мукофотга сазовор бўлган барча ҳамкасбларимни, юртдошларимни улуғ байрамимиз билан табриклайман. Юртга хизмат қилишдан чарчамайлик.

“НИҲОЛ”ЛАР ПАРВОЗГА ЙЎЛ ОЛДИ



Катта ҳаётга илк қадамларини ташлаб, атрофдаги воқеликларга ҳайрат кўзи билан қараб, етуқлик сари интилишини бошлаган ёшлар бежиз нихолга ўхшатила-майди. Она ердан озик олиб, аста-секин кўкка бўй чўзаётган нихол, шубҳасиз, парварнишга, меҳр-муҳаббатга муҳтож бўлади. Санъат оstonасига умид билан қадам қўйган ёшлар ҳам ана шу нихоллар каби мададга, парварниш ва рағбатга эҳтиёж сезиш табиий.

Шуни назарда тутиб ташкил этилган “Нихол” давлат мукофотида сазовор бўлиш минглаб истеъод гунаҳлари учун қувончли воқеага айланди. Зеро, ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган ушбу тадбир мумтоз кўшиқ, мусиқа ижрочилиги, опера, ракс, эстрада йўналишларида кўплаб янги истеъодларни кашф этди. Бугун “Нихол”чилар орасидан етишиб чиққан Ўзбекистон халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар, давлат мукофотлари совриндорлари, нуфузли халқаро танловларнинг ғолиблари миллий санъатимиз ривожини йўлида хизмат қилмоқда.

Бу йилги “Нихол” мукофотида дав-вогарлар ўртасидаги беллашулар ҳар

галтидек кизгин, мурасиз, янгиликларга бой тарзда кечди. Дастлабки саралаш босқичларида ўн тўрт минг нафардан ортиқ ёш ижодкор қатнашди. Талабгорлардан энг кучлилари — 1036 нафар ёш худудий саралаш босқичларида ўзаро беллашди. Ана шу кизгин ижодий баҳсларда ҳакамлар ҳайъатлари томонидан сараланган 206 та ёш нихол республика босқичида катнашиш учун тавсия этилди. Улар орасидан 20 та истеъодли ижодкор “Нихол” мукофотида, энг фаол қатнашчи деб топилган 5 нафар иштирокчи фахрий ёрликка муносиб қўрилди.

Мумтоз кўшиқ — Муҳаммад Торебеков, Адилбек Бахтибаев (Қорақалпоғистой), Достон Тоҳиров (Жиззах), Аҳрор Хушвақтов (Қашқадарё), Нодира Мансурова (Тошкент вилояти);

Мусиқа ижрочилиги — Диёрабону Исмолова (Андижон), Муҳлис Туробова (Сирдарё), Василаса Найпак (Фарғона), Асилбек Аҳаджонов (Фарғона), Тоҳиржон Аскарлов (Тошкент);

Опера ижрочилиги — Бахтиёр Баҳодиров (Бухоро), Рўзбой Шехназаров (Хоразм), Хадича Имомназарова (Тошкент);

Ракс санъати — Улуғбек Очйлов (Навий), Дилнозахон Мирзаева (Наманган), Ситора Зиёева (Сурхондарё), Ёкутхон Ҳасанова (Фарғона);

Эстрада санъати — Анатолий Назаров (Навий), Анваржон Мирзаев (Самарқанд), Муштарий Музаффарова (Тошкент шаҳри).

Кун кеча пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёш истеъодлар учун тавсия этилган “Нихол” мукофотининг бу йилги совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур анжуман “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида ўтаётган тадбирларнинг мантйкий давоми сифатида муҳим аҳамият касб этди. Ғолиб ёшларга мукофотларни юртимизнинг танкил ижодкорлари, мухлисларининг сеvimли санъаткорлари топширганлари рамзий маънога эга. Бугунги “нихол”чилар ўзбекистон санъатини дунёга ёйишга ҳисса қўлувчи истеъоддорлар, юртимиз ва жаҳон сахналарини забт этишга олганган дадил ёшлардир.

Ҳис-ҳаяжон ва олқишларга тўйик анжуман давомида санъат мухлисларига она Ватанимизни, юртимизнинг фидойий инсонларини, дилкаш инсоний туйғуларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ҳавола этилди.

Бугун юртимизнинг юксак мукофоти, санъатсевар халқимизнинг олқишига сазовор бўлган “Нихол” совриндорлари ўзбек миллий ва замонавий санъатининг эртанги эгалари бўлишларини тилаб қоламиз.

“АСТАНА БАЛЕТ” ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевнинг ташаббуси билан 2012 йили ташкил топган “Астана Балет” театри илк спектаклини 2013 йил июль ойида намойиш этганди. Ўтган олти йил мобайнида жамоа нафақат Қозоғистонда, балки ундан ташқарида ҳам минглаб мухлислар орттирди. Жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Озарбайжон, Франция, Италия, Беларусь, Бельгия, Япония каби мамлакатларнинг машҳур сахналарида томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Ўзбекистонда “Қозоғистон йили” муносабати билан “Астана Балет” август ойининг сўнги ҳафтасида пойтахтимизда сўфларда бўлиб, Алишер Навоий номидаги давлат академик

катта театри сахнасида спектакллар намойиш этди.


— Ўзбекистоннинг дунёга машҳур сахнасида чиқиш бизнинг нисбатан ёш театримиз солистлари учун катта воқеа, — деди тадбир муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида театр директори Александр Совостьянов. — Бу ерда намойиш этиладиган дастлабки спектаклимиз — “Буюк дашт мероси” деб номланган асосий постановкаларимиздан бири. Унда маданиятимиз, миллий анъаналаримиз, либосларимиз, муҳими, маънавиятимиз намён бўлади. Илк асардаёқ юртимиз ва халқимиз қиёфасини намойиш этишни мақсад қилганимиз. Иккинчиси, репертуаримизда пайдо бўлган энг сўнгги асар — “Сев-

ги афсонаси” балетидир. Катта санъаткор, постановкачи балетмейстер Юрий Григорович раҳбарлигида ушбу асарнинг сахналаштирилиши биз учун фахр. Яқинда бўлиб ўтган балет премьераси ўзимизда катта муваффақият қозонди. Тошкентдаги намойиш ҳам премьераси ҳисобланади. Ҳар икки асар ўзбек томошабинларига маъжул бўлади, деган умиддамиз.

Икки кун намойиш этилган “Севги афсонаси” спектаклида асосий партияларни театрининг Айжан Мукатова, Айну Абдулғазина (Меҳмона Бону), Фарҳод Бўриев, Илья Мананков (Фарҳод), Татьяна Тен, Анар Дукиева (Ширин), Амир Жексенбек, Бауржан Мекембаев (Вазир) каби етакчи солистлари ижро этди.

Шуни айтиш жоизки, “Буюк дашт мероси” (муаллифлар Ойгул Тати ва Мукаррам Авахри) хореографияси намойиш театрининг неоклассик репертуаридан олинган бир акти “А Fuego Lento” балети билан якулланди. Хореограф Рикардо Амаранте балетни бразилча самба ва танго услубидаги рақслар асосида яратган.

Спектакллар томошабинлар томонидан катта қизиқиш ва олқишлар билан қарши олинди. “Астана балет” театри билан учрашулар давом этади, деган ниятдамиз.



Саҳифачи Г.УМАРОВА ва Ф.ФАХРУТДИНОВА тайёрлади.

УЛУҒ ТҲЙ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Шу кунларда пойтахтимиздан бошланган энг улуг байрамимиз шукӯҳи юртимизнинг энг чекка қишлоқ, овулларигача етиб борди. Мустақиллик берган ҳақ-хуқуқ боис қалбларда жўш урган бунёдкорлик, шукроналик туйғулари диллардан дилларга кўчиб, барча юртдошларимизга кўтаринки руҳ бағишлади. Дехқонобод қалий заводи ишчи-хизматчилари ҳам ҳар йили Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда қариш олишади. Боиси, завод атрофидаги йигирма гектардан зиёд Мустақиллик боғи, беш минг китоб фондига эга кутубхона, болалар боғчаси, тикувчилик цехи, соғломлаштириш маркази, катта тадбирлар ўтказиладиган муҳташам зал ҳам байрам арафасида тантанали равишда фойдаланишга топширилган. Буларнинг барчаси қисқа муддатда, кейинги икки-уч йил давомида амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳар йили байрам тадбирлари доирасида ўнлаб кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига тўй-томоша қилиб берилади. Бу йил Мустақилликнинг йигирма саккиз йиллиги байрамига завод раҳбарияти алоҳида тадорик кўришди. Тадбирлар бир кун эмас, уч-тўрт кун, бир ҳафтага режалаштирилди.

КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган сайёҳ-ҳаракатлар натижасида оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Заводда ҳам ўтган йили катта кутубхона очилди. Бутун бу зиф маскани нафақат завод ишчиларининг, балки туман аҳлининг сеvimли масканига айланган.



– Жорий ўқув йилидан бошлаб, яқинимизда жойлашган мактабларда китоблар кўргазмаси ўтказиб, кўча кутубхоналар ташкил қилишни режалаштириб турибмиз, – дейди заводнинг маънавият ва маърифат етакчиси Зебиниса опа. – Китоб қанча кўп ўқилса, шунча яхши. Адабиётга меҳр-муҳаббат уйғотиш мақсадида “Мустақиллик ҳаёти эгган абадиётлар” мавзусида ижодкорлар, олимлар билан учрашув ҳамда янги китоблар тақдимоти ташкил қилдик. Юртдошимиз Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг отаси Қодир бахшига бағишланган “Қодир бахши ҳақида дoston”, рус шеърятининг қуёши Александр Пушкиннинг 220 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Тумор” китоби ҳамда вилоят “Олтин мерос” жағмараси томонидан нашр қилинган “Қадриятлари қадрланган юрт” публицистик тўплами тақдимотлари ўтказилди.

Тақдимотга Тошкент шаҳри, Қарши давлат университети ва вилоят марказидаги бошқа олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, этнограф, тарихчи ва фольклоршунослар тақлиф этилди. Қолаверса, Қодир бахши ҳақидаги дoston билан қутлаш учун Шерободдан бахшнинг шоғирди, Ўзбекистон халқ бахшиси Шодмон Хўжамбердиев ҳам таширф буюрибди.

– Қодир бахши Шеробод дostonчилик мактаби аъёнларининг давом эттириб, юзга яқин дostonни ёд билган. Аъёнлари бутун ҳам давом этаётгани учун устоздан миннатдор бўлишимиз керак, – деди филология фанлари доктори, профессор Боймирза Йўлдошев. – Қодир бахши ҳақидаги дoston эса, бутун болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган бахшчилик санъатини ўрганишга қаришган ёшлар учун муҳим қўлланма бўлибди.

– Отам Қодир бахши “Алломиш” дostonини беш ярим кун тўхтамай айтган, мен эса беш соатда ақунлайман, – деди тақдимотда сўзга чиққан Қаҳҳор бахши. – Орадаги катта фарқи кўриб турибсиз. Бахшчилик мактаблари оғир аҳволга тушиб қолган эди. Давлатимиз раҳбарининг мақом ва бошқа санъат турлари қатори бахши-

лик санъатини ҳам қўллаб-қувватлаш борасида чиқарган қарорлари, Термизда халқаро бахшчилар фестивалининг ўтказилиши бу соҳага қайта ҳаёт бағишлади.

Заводнинг муҳташам кошонасида ўтган тақдимот маросимида Қаҳҳор бахши ва Шодмон бахшнинг айтишуви ва ёш қаламкашлар мушоираси тadbир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида барчага китоблар тарқатилди.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” фонди ҳомийлигида чоп этилган сайланма асарлар, юздан ортиқ китоблар завод кутубхонасига совға қилинди. Ёшларда китобга муносабатни шакллантириш мақсадида кутубхонада “Ёшлар овози” таҳ-

ририятининг “Мутлоаа санъати” тўғрисида ташкил этишга қилиниб олинди. Шу мақсадда кутубхонага “Ёшлар овози” газетасининг “Мутлоаа санъати” руқнида эълон қилинган ўндан ортиқ китоблар тақдим этилиб, келгусида тўғаракнинг самарали фаолият юритиши юзасидан тадбирлар белгиланди.

ҒОЛИБЛАР ДАВРАСИДА

Байрам арафасида завод раҳбарияти томонидан тикувчилик цехи ишчиси, иккинчи гуруҳ ногирони Рўзиева Марғуба Юсуф қизи-

га Республика травматология-ортопедия илмий текшириш институтининг тақдирини махсус аппарат тақдим этилди. Биз Марғубани табриклаш мақсадида тикувчилик цехига йўл олдик. Маълум бўлишича, чеварлик, қўл меҳнати билан заводнинг рамзи туширилган сумка намунасини ишлаб чиқиш бўйича тикувчилар орасида ўтказилган танловда ҳам Марғуба биринчи ўринни қўлга киритибди.

Цех кам таъминланган оила аъзолари ва ногирон кизларни иш билан таъминлаб, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Завод яқинидаги Бешбулок ва бошқа қишлоқлар кизлари ҳам қелиб ишлашар экан. Уч нафар ногирон эса, уйда ўтириб цех томонидан берилган топшириқларни бажарар экан.

– Тикувчилик цехи иш бошлаган дастлабки икки-уч ой давомида кўп кийинчиликларни ўтказдик. Чунки кизларимиз тикувчилик касбини ўрганмаган, замонавий тикув дастгоҳларида ишлаш кўникмаларини эгалламаган эди. Шу ерда тикувчилик касбини эгаллашлари учун ўқув курси ташкил қилдик, иш ўргатдик, – дейди цех бошлиғи Иномжон Рўзиев. – Маана энди, уларнинг маҳорати ортиб, қўллаб буюртмалар оляпмиз. Заводимиз ишчиларига махсус кийим-бош тикиб берамиз, болалар боғчаси, заводдаги биноларни парда ва бошқа

тикувчилик маҳсулотлари билан таъминлаймиз.

КАТТА ОИЛА

Завод – катта оила! Қувончлари ҳам, ташвишлари ҳам шунга яраша. Бошқача айтганда, заводни Дехқонобод туманининг суянган тоғи, деб айтиш мумкин. Байрам арафасида туман ҳокимлиги раҳбарлигида фойдаланишга топширилган йигирмадан ортиқ объектлар тикланишида ҳам заводнинг озми-кўпми ҳиссаси бор. Жумладан, туманнинг янги кутубхонасига олти юз донадан ортиқ китоб совға қилинди, туман ҳокимлиги ташаббуси билан етмиш беш нафар кичкинтойнинг тўй маросимида эса, завод эл-юртга катта ош дамлаб, тарқатди.

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

– Икки мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган заводимиз ҳозир йигирмага яқин хорижий давлатларга маҳсулот етказиб беришти, йилдан-йилга ишчилар сони ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳам ортиб борапти, – дейди завод директори Ойбек Курбанов. – Шундай кенг қамровли ишни амалга ошираётган ишчи-хизматчилар қадрига етиш, уларнинг ташвишларини тенг бўлиштириш биринчи навбатдаги вазифамиз.

Шу кунни заводнинг юздан ортиқ илғор ишчи-ҳодимлари моддий-маънавий рағбатлантирилди. Нафақа ёшига етган ишчи-ҳодимларга муносиб ҳурмат кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди. Бу йил мактабга илк қадам қўяётган эҳтиёжманд оилалардаги кичкинтойларга эса, ўқув қуроллари совға қилинди. Хуллас, бу сингари савоб ишларни санаб адоғига етиб бўлмайдим.

Одамлар ташвишини ўз вақтида аниқлаб етиш ва уларга қўмақ бериш завод раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Шунинг учун ҳам заводда узоқ йиллар директорлик қилиб, қўллаб-қувватлаш бошида турган Ҳамидулла ака Шерматов ва унинг шоғирлари ҳам эл ҳурмати қозонган. Чунки синчиклаб қарасангиз, улар завод фаолияти қаторида эл хизматини қилишга бел боғлашган.

Байрам тадбирлари болалар учун аттракцион ўйинлар ва кичик сахнада байрам тухфаси сифатида эртақ-спектакль намоиши ҳамда заводнинг “Жажжи кимёгар” мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг концерт дастури билан янада бойиди. Кечга бориб байрам тадбирлари пойтахтдан таширф буюрган “Қаҳқаҳа” гуруҳи, таниқли эстрада хонандалари Умида Мирҳамидова ва Гули Асалхўжаева иштирокидаги катта концерт билан давом этди.

Концерт Ўзбекистон халқ бахшчилари – Қаҳҳор бахши ва Шодмон бахшнинг Ватан, шукроналик туйғулари жўш урган, байрам иштирокчиларини тўлқинлантириб юборган айтишуви билан бошланди:


Чўпонинг таёкка ойни илдирган,
Бобо кўёш Ҳайдарқўлда чўмилган,
Оллоҳ нури эл-юртини қулдирган,
Қаҳҳор бахшнинг соғи бўлб қўндирган,
Сенга фидо бўлсин танамда жоним,
Улуғ тўй муборак, Ўзбекистоним.

Хумоюн АКБАРОВ

БЎКАДА “ФАЗИЛАТ” КУТУБХОНАСИ ОЧИЛДИ

2019 йилнинг 1 июнь санаси.

Бўкалик бошқа ёшлар сингари 27-мактаб ўқувчиси, 9 ёшли Фазилат Ёқубованинг ҳам ҳаётида бир умр эсда қоларли воқеа бўлди. Сабаби, унинг айтиб берган “Беш ташаббус” шеъри Президентимизга манзур бўлган эди. Қизига ижодий муҳит яратиб бергани учун Фазилатнинг отасига ўшанда машина совға қилинди. Давлатимиз раҳбари қизалоқнинг ўзига уйда кутубхона очиб беришини айтганди.



Бутун ёш шoirанинг хонадонига ўша қўлловнинг мантикий давоми бўй кўрсатди. Тарихий учрашувдан сўнг, орандан роппа-роса уч ой ўтиб, “Фазилат” номли кутубхона қал кўтарди.

28 августнинг тонгида Бўка тумани “Хўжақўрғон” маҳалласининг Шодлик кўчаси чиндан-да шодликка тўлди. Фазилат яшайдиган 127-хонадонда барпо этилган икки хонали кутубхонанинг очилиш маросимига кўпчилик йиғилди. Тантанали маросимда Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мутасаддилари, адаблар, тумандаги мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Маърифат масканига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ёшлар иттифоқи томонидан 300 номдаги 2000 дан зиёд китоблар совға қилинди. Вилоят ҳокимлиги томонидан 4 донa компьютер жамланмаси тухфа этилди.

– Кутубхона менга жуда ёқди, – дейди Фазилат Ёқубова. – Дугоналарим, синфдошларим кутубхонамга қелишяпти. Уларга бу ердаги китоблар жудаам маъқул. Кичкинаганимда дадам менга Александр Пушкиннинг “Шоҳ Султон ҳақида эртақ” китобини ўқиб берарди. Энди кутубхонамда шу китоб бор. Мен келажакда адабиёт ўқитувчиси бўлмоқчиман.

Адабиётга ошуфта қалбни воёга етказаятган ота-онанинг

ҳам боши осмонда. Улар, бир томондан, Бўкага кириб келган янги ҳаёт нафасидан баҳраманд бўлаётганидан миннатдор, бошқа томондан, жажжи жигарбанди юртдаги ислохотларни мурғак қалби билан аниқлаб, ҳис қилиб, уларни сатрларга жойлаётганидан мамнун.

“Беш ташаббус” шеъри қўшиқ қилиниб, турли тантаналарда, адабиёт ва санъат кечаларида қўйланмоқда. Бўканинг “Бўстон” маҳалласида тубдан реконструкция қилинган маданият марказида бўлиб ўтган адабий учрашувда ҳам тумандаги санъатсевар ёшлар, 19-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги ташкил этилган “Келажак нихоллари” хор жамоаси томонидан “Беш ташаббус” қўшиғи маҳорат билан ижро этилди.

Бундан беш ой муқаддам Бўкадаги “Бўстон” маҳалласини биров биларди, биров билмасди. Энди эса бу ердаги тарихий ўзгаришларни телеэкран, газета-журнал, радио, Интернет орқали бутун Ўзбекистон таниди. Бўканинг шеърсевар кизи Фазилатни ҳам билди. Ватанимизнинг адабиётга ошуфта ёшлари янада қўнайса, келажак авлод бутунгидан-да кўпроқ китобга меҳр қўяди.

Фозил ЖАББОРОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



**Барча юртдошларимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий
муборакбод этамиз! Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо, халқимиз омон бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган

Газетанинг наabatдаги сони 13 сентябрь куни чиқади.



**O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI**

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамқорларимиз:



Бош муҳаррир
уринбосари

Бахтиёр
ҲАЙДАРОВ

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Тахририятга келган қўлёзмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Маъсул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Набатчи муҳаррир: Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5688. Буюртма Г - 955.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 00.55

ISSN 2313-114X